

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

20 дн йил "05" маар

51 -сон

Кониев Умид

(шартнома тузилган маноз)

"Навоий худудий электр тармоклари корхонаси" АЖ (кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади)нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Б.Исломов, бир тарафдан ва

Кониев Умид Сонгиров Абдулжонин оғобигитлим ва таб

(Электр энергияси истеъмолчалигин номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг Куруч асосида фаолият

Сонгиров Абдулжонин шонбайгузин

("Истеъмолчи" раубартилик номи Ф.И.Ш.)

раҳбари мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

Ушбу шартнома билан "Корхона" тармоклари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) "Истеъмолчи"га етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса истеъмол килинган энергия хақини ўз вактида тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергия хисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив 5000 кВт.с., реактив — кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нарихи 450 тариф бўйича тариф турни табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 карори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёнисин) 2250 000 (чили миллион ишкурунчи ишнишиш сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчининг ойлар кесимида бўлинган йиллик энергия ҳажми ушбу шартноманинг 1 иловасида келтирилган.

2.4. "Истеъмолчи" томонидан ҳак тўланиши лозим бўлган хақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми хисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда- хисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг

2-илювасида назарда тутилган тартибда аникланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008-йилдаги 277-сонли карори 1 иловасида белгиланган рўйхат асосида табиий монополия субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар учун энергияни минимал йиллик ҳажми 10 000 кВт/соат ташкил этади.

III. Хисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табакалаштирилган бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 карори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тегишли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган "Истеъмолчи" (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун хисоб-китобларни сутка вактларининг табакалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табакалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёргу вактида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – ўрнатилган тариф бўйича; тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимиning энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6-00 дан 9-00 гача, кечки энг катта микдор соат 17-00 дан 22-00 гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронги вактида (энг кам юкламали соатларида: 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 6-00 гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухидаги “Истемолчи”ларнинг бир ставкали тарифига мувофиқдир.

Табакалаштирилган тариф кўлланилмайдиган “Истемолчи”га энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВАгача бўлган “Истемолчи”га энергияни реализация қилиш нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига кирувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи “Истемолчи” учун Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар кўлланилади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади, яъни ҳисбот ойнинг 1-санасидан кейинги ойнинг 1-санасигача.

3.4. “Истемолчи” хар ойда “Корхона”нинг ваколатли вакили иштирокида ҳисоб-китоб даври охирида ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ёзib олади ва ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофик шаклда энергия сарфи бўйича ҳисботни тузади.

Истемолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоклари корхонаси белгиланган шакл бўйича ойнинг 01-санасидан 05-санасига бўлган муддатда ўз кўли билан, факсимил., электрон ёки почта алокаси орқали тақдим этилган ҳисбот, истемол килинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб ҳисобланади, яъни

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширувчи, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истемолчи” бўйича энергия (актив ва реактив) сарфининг тўлиқ ҳажмидан ташкари, алоҳида-алоҳида тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлардаги ҳажмлари хам аниқланиши ва кўрсатиб ўтилиши шарт.

3.5. Энергия сарфи бўйича ҳисбот асосида “Корхона” ўрнатилган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади, 5 кун ичидан тўлаш учун ҳисоб фактура ва тўлов ҳисоб варагини ёзив беради. “Истемолчи”да турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир неча объект мавжуд бўлган тақдирда, хар бир тариф гурухи кўрсатилган холда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.6. Истемолчиларга электр энергиясини етказиб бериш, улар томонидан келгуси ҳисбот даври бошлангунча шартномавий микдорнинг 100 фоизи микдорида олдиндан хак тўлангандан кейин амалга оширилади, яъни “истемолчи”га энергияни етказиб бериш ойнинг 10-санасигача ҳисбот ойи ва келгуси ой учун шартномада белгиланган 100 фоизлик микдор учун олдиндан хак тўлаш асосида амалга оширилган тақдирда, электр энергия узатиласида, акс ҳолда хар ойнинг 11-санасидан бошлаб истемолчилар тармокдан ажратилади.

3.7. Тарифлар ўзгарганида “Истемолчи” етказиб берилабтган энергия учун янги тарифлар кучга кирган кундан бошлаб истемол килинган энергия учун янги тарифлар бўйича хак тўлайди.

3.8. Ҳисоблагичлар ушбу шартноманинг 4-иловасидаги томонларнинг электр тармоклари баланс мансублилиги ва фойдаланиш бўйича масъуллигини тақсимлаш бўйича далолатномага мувофик аниқланадиган электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги энергиянинг технологик сарфининг ҳажми “Истемолчи” билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофик далолатномада кўрсатилади.

Бунда, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширувчи 750 кВА ва ундан юқори бўлган кувватга уланган “Истемолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиши сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аникланиб ёки умумий технологик сарф микдоридан келиб чишиб хар бир давр учун мутоносиб равишда хисоблаш, яхши олинган энергия хажмининг тегишли пайтларига тўлов хисоб варагини ёзиш учун мутоносиб роинида кўшиб борилади.

3.9. Хисоблагичлар кўрсаткичи ёзив олинмаган ёки энергия сарфи тўгрисидаги хисобот “Истемолчи” томонидан тақдим этилмаган тақдирда, “Корхона” томонидан энергия истемолининг шартномавий микдори бўйича ёки ўтган хисоб-китоб шир учун энергия истемолининг амалдаги микдори тўгрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб йўнанига ҳакли, бу ҳақда “Истемолчи”нинг хисоб варагида тегишли равишда қайд килинади.

Хисоблагичлар кўрсаткичи назорат тартибида “Корхона” вакили томонидан ёзив олингандан кейин “Корхона” томонидан амалда истемол килинган энергия учун белгиланган тартиба қайта хисоб-китоб қилинади.

3.10. “Истемолчи”нинг энергия учун тўловлар, роинида энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек хисобга олинмаган энергия қайта хисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблуклари карзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳак тўлаш) сифатида хисобга олинади.

“Истемолчи”нинг айби билан ушбу шартномада ўтказилган энергия хажми тўлиқ истемол килинмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблук шир кайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.11. Шартномада келтирилган хисоб-китоб даври учун кўрсатилган микдордан 5 фойздан ортиқ микдорда энергия истемол килинганда, “Истемолчи”нинг шартномада кўрсатилган микдордан ортиқча истемол килинган энергиянинг жами ҳаркми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тўлов ундирилади.

3.12. “Истемолчи” “Корхона” билан биргаликда ҳар ёна, хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таъсисин далолатномасини тузади.

3.13. “Истемолчи”ни электр тармокларидан узин кўйини холларда амалга оширилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вактида амалга оширилмагандан сочибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

“Корхона” талабномалари ижро этилмаганда, таъсисиндан унинг тегишли вакилларига хисоблагичлар кўрсаткичларини олиш ва хисобланганни уланиш занжирини текшириш учун рухсат этилмаганда;

хисоблагичлар қасдан бузилганда, кўрсаткичларни таътириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;

электр тармокларига ноконуний уланиш, талон-пурож килиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошка ҳолатларини таъланганда.

3.14 Унда оширилган тартибни олиб келишадиган “Истемолчи”ни таъсисинан таъсисинан ҳужжатларида белгиланган тартиба электр энергиясини фойдаланиш қоидаларини бузганилик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истемолчи тармокка унинг томонидан қонсультантлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик таъсисининг ўн баробари микдорида тўлов ундирилгандан сўнг қайта уланади (ЭНҲАТга улангич истемолчилар бундан мустасно, ЭНҲАТга уланган истемолчи дегани: масофадан тармокдан акратиб таъсисини бор истемолчилардир).

3.16 Истемолчи етказиб берилган энергия учун ўз тартиби (шартномада белгиланган муддатларда) тўламаса, Корхонага муддати ўтказиб юборилган хар ёна учун тўлов суммасининг 0,1 фойзи

микдорида (Энергия маҳсус тартибда етказиб берувчи корхоналар учун 0,2фоиз) лекин муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пея тўлайди.

IV. Томонларнинг хукук ва мужбуриятлари

4.1. “Истемолчи” куйидаги хукукларга эга:

ўзининг электр курилмаларини техник шартларга мувофиқ “Корхона” электр тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган энергия олиш;

энергия етказиб беришнинг тутатилиши ёки тўхтатиб кўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Корхона”га истемол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин

10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

энергия тўлиқ ҳажмда етказиб берилиласлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган заарларни белгиланган тартибда коплатиш;

конун хужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда шартномани бекор килиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган энергия микдори учун тўланган суммани кайтарилишини талаб килиш;

энергия етказиб берилиши тутатилганда заарни қоплашни талаб килиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсуниши бўйича юкори ташкилотта (мансадор шахсга) мурожаат килиш.

“Истемолчи” конун хужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. “Истемолчи” куйидагиларга мажбур:

энергия истемол қилишини белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вактида ҳақ тўлаш;

эксплуатация килаётган электр тармоқлар, асбоблар, электр курилмаларининг техник ҳолатини лозим даражада сақланишини, шунингдек, электр курилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, “Корхона”га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар килиш;

энергиядан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Корхона” ва “Ўздавенергоназорат” инспекциясининг ёзма кўрсатмаларини ўз вактида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши қоидаларининг талабларини бажариш;

белгиланган тартибда “Корхона”нинг тегишли вакилига ҳисоблагичларни кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун “Корхона”га буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишида, маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар турларининг) технологик жараёни эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган суб “Истемолчи”ларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юкори бўлган кувватга уланган “Истемолчи”:

истемол қилинаётган кувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дакикадаги сарфини ҳисобга олиши ва “Корхона”нинг талабига кўра хабар килиши шарт.

“Истемолчи” конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона куйидаги ҳуқукларга эга:

“Истемолчи”дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истемолчи” томонидан етказилган ҳакикий заарни қоплашни талаб қилиш;

электр хўжалиги объектларида авариявий ҳолатлар мавжуд бўлганда “Истемолчи”ни электр курилмаларини ўчириш. “Истемолчи” томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истемолчи”ни электр тармоқлардан ўчириш, шунингдек ЭНҲАТга уланган ёки олдиндан тўлов курилмасига эга ҳисоблагичи бўлган “Истемолчи”ларни олдиндан тўлов тугагандан сўнг ўчириш;

“Корхона” қонунчиликка мувофик бошқа ҳуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

“Корхона” ушбу шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари бўлган ўчириш окибатлари учун жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

уланган электр тармоқлар оркали “Истемолчи”га - электр тармоқларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган ҳажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

курилмаларни, электр узатиш линияларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмиглаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмиглаш билан боғлик электр таъминотидаги узилишлар тўгрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўгрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўгрисида “Истемолчи”га маълум қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўгрисида чеклашларни ҳажми ва вакти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

“Истемолчи”нинг энергия етказиб берилмаганини ва электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўгрисидаги аризасини, “Истемолчи”дан ариза олинган кундан ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чикиш, уларни бартараф этиш ва тўлаконли жавоб йўллани;

“Истемолчи”га етказиб берилган энергия ҳисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

“Истемолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу хакда, рад этиш сабабларини кўрсатган холда “Истемолчи”га хабар қилиш;

“Истемолчи”га ўрнатилган ҳисоблагичларни алманитиришни, ўрнатишни ва уларга хизмат кўрсатишни, шунингдек уларни пломбалашни таъминлан;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофик бўлган энергия етказиб бериш.

“Корхона” қонунчиликка мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларниң жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, “Корхона” бунинг натижасидаги етказилган заарни қоплашга мажбур, “Истемолчи” эса етказилган ҳакикий заарни қоплашга мажбур.

5.2. “Корхона”:

“Истемолчи” энергия истемолининг белгиданнин режимига риоя қилмаган, энергия истемолининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйган тақдирда, “Корхона” томонидан белгиланган энергия истемолини чекланада жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли энергия етказиб берилганлиги учун;

Захира манбанин автоматик улаш, автоматик кайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида энергия етказиб беришдаги танаффуслар учун “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. “Истеъмолчи” енгилмас куч шароитлари (форс-мажор) мавжуд бўлгандағи ўчишлар ва бошқа холатлар учун, “Корхона” “Истеъмолчи” олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан амалдаги конун, фармон, карор, низомлар асосида тартибга солинади. Улар музокаралар йўли билан хал этилмаган тақдирда, судда ҳал этилади.

VI. Якуний қоидалар

6.1. Шартнома 20 ____ йил _____ гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойда кўлланилмайди, балки кейинги ойдан кучга киради.

Бюджет ташкилотлари учун : Мазкур келишув тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб Газначилик органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача амал килади

Шартнома муддати ўтиши билан, агар томонларнинг бирортаси уни муддатини узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза бермаган бўлса, у кейинги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади. Ариза шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой колгунча берилиши керак.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бирида сакланаётган икки нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас кисми хисобланади.

6.3. Шартнома томонларнинг бирини ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилиниши иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор килган холда, томонларнинг ўзаро хисоб-китоб килганлик шарти билан амалга оширилиши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда тақдим қилинади.

6.4. Барча ўзгартиришлар ва кўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда бўлган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳакикийдир.

VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

“Истемолчи”:

Юридик манзили

Почта манзили

Хисоб рақами

Банк коди (МФО)

Истемолчини юридик манзили бўйича кадастр номери

Махалла номи

Биржик ётбай Абди куласи № 14
210500

10002280122112024110054001

00014 (ИНН) 200012873

Биржик ётбай

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган “Истемолчи”лар учун:

Бюджет фондининг хисоб рақами 10002280122112024110054001

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200012873

Бюджетдан ташқари фондининг хисоб рақами 400122860122112024110054001

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200012873

Телефонлар: 512-12-59, 512-18-83 Факс: 512-12-53

(“Истемолчи” телефон рақамлари, шу жумладан унинг раҳбарини уяли телефонни курсатилиши)

Статистик кодлар:

ОКЭД 7200

СООГУ 03873

СОАТО 1712401

КФС 200

КОПФ —

ОКПО 02002977

Корхона:

Почта манзили Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Низомий кӯчаси 22 уй

Хисоб рақами

Банк коди (МФО) 00207 СТИР (ИНН) 200002553

Телефонлар: _____ Башкарма--- 224-88-91

Факс: _____ Башкарма--- 224-33-51

Статистик кодлар:

ДБИБТ (СООГУ)

МИОБТ (СОАТО) 1712401366

Истемолчи

Денисов Гульжон
САО Вс Гост
Бошлини г. Навоий

Сандум

Корхона

«Навоий ХЭТК» АЖ бош директори

Б.Исломов

Х.Ишондигар Шофирев

ЭТК бошлини

ЭТК хисобчиси

Хукукшунос хуносаси:

(имзо)

(Ф.И.О)

Электр таъминоти шартномасига
1 - илова

Етказиб бериладиган энергия хажми

- Тариф гурухи II
- Фаолият тури Саштарие - Энергетик
- "Истемолчи" электр курилмаларининг уданчи куввати: 10 кВА (кВт)
- Техник шарт раками № 13 санаси 01.01.2022 кун
- Техник шартларга мувофик рухсат этилган кундаги 10 кВт.
- Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) 3
- Хисоб-китоб тури: База бўйича

Тариф тури: табакалаштирилган, бир саводдан еки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 карори билан тасдиқланган рўйхат
бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатуни истемолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин) (кераклиги ёзилсин)

- Истемолчи жойлашган махалла ном Бирсек Марё.


| | Энергия хажми минг. кВт.с | Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича |
|-----------|------------------------------|-------------------------------------|
| Йил, жами | <u>5000</u> | |
| Январь | <u>1666</u> | |
| Февраль | <u>1666</u> | |
| Март | <u>1668</u> | |
| Апрель | | |
| Май | | |
| Июнь | | |
| Июль | | |
| Август | | |
| Сентябрь | | |
| Октябрь | | |
| Ноябрь | | |
| Декабрь | | |

Корхона бир кунда 7 соат, бир саада 46 кун ишлайди.
Сменалар бўйича юклама таксимоти (фоиз хисобида) I II, II III.

Имзолар:

Истемолчи

Денисов Гумар
САО ВГУ ТДСР
бозичи и.саидов
Саидов



Корхона

«Денисов ХЭТК» АЖ бош директори
Б. Рахимов

ЭТК бозичи Денисов Н. Шоркулов
ЭТК хисобчиши З. Жарсабов
ЭТК ОХ ва ТКБ мухандиси Джон



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA
№ 1533**

1. Huquqiy ekspertiza qilinayotgan loyihaning turi:

Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

Konimex tuman sanitariya epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi bo'limi va "Navoiy hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" AJ o'rtasida 05.01.2022 yilda tuzilgan № 51-sonli yuridik shaxslar uchun elektr ta'minoti shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvhisi va dasturga kiritilgan sana haqida ma'lumot.

Konimex tuman sanitariya epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi bo'limi va "Navoiy hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" AJ o'rtasida tomonidan ishlab chiqarilgan va 19.01.2022 yilda dasturga kiritilgan.

Mazkur loyiha Konimex tumani yuridik xizmat ko'rsatish markazi tomonidan, "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 21-moddasiga asosan ushbu shartnoma loyihasini huquqiy ekspertizadan o'tkazildi va quyidagilar aniqlandi.

Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018 yildagi "O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunni amalga oshirish chora tadbirlari" to'g'risida"gi PQ-3953-sonli qarori qarori bilan tartibga solingan hamda shartnoma shartlari va taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilik talablariga mos keladi.

Yuqoridagilarga asosan quyidagicha xulosa qilindi,

XULOSA

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni imzolash qonunchilikka muvofiq.

Bosh yuriskonsult



Sh.Bozorov
19.01.2022 yil